



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 247 (11.558) Баҳоси эркин нархда

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 23 декабрь куни Оқсаройда Германия Федератив Республикаси, Покистон Ислам Республикаси, Жазоир Халқ-Демократик Республикаси ва Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулдода ва мухтор элчилари этиб тайинланган – Вольфганг Нойен, Муҳаммад Воҳид ал-Ҳасан, Рамдан Мекдуд, Владимир Тюрденев ишонч ёрликларини топширди.

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрликларини қабул қилиб олар экан, элчиларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлади, юртимизда бошланган миссияларида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорлик самарали ривожланмоқда. Ташқи сиёсат маҳкамаларининг ўзаро муносабатларини янада ривожлантириш борасидаги сиёсий мулоқотлари фаоллашмоқда. Парламентлар ўртасида ҳамкорлик кенгаймоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий соҳада энг кўп қўлайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда. Ўзбекистонда германиялик ишбилармонлар иштирокида тузилган юздан зиёд қўшма корхона фаолият юритмоқда. Германиянинг 60 етакчи фирми ва компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

— Ўз миссиям даврида иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқчиман, — деди Вольфганг Нойен. — Қўшма корхоналар кўпайиб бораётгани бу соҳадаги алоқалар истиқболли эканидан далолат беради.

Ўзбекистон ва Покистон халқлари тарихий, маънавий-маданий ришталар билан боғланган. Мамлакатларимизнинг бугунги ҳамкорлиги замон руҳига мос равишда ривожланмоқда.

Покистон Ўзбекистонга Марказий Осиё давлатлари билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги муҳим шерик сифатида қарайди, мамлакатимиз билан иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор беради.

— Мамлакатларимиз ҳам жуғрофий, ҳам маънавий жиҳатдан бир-бирига яқин, — деди Покистон элчиси. — Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги энг ишончли шерик, деб ҳисоблаймиз. Олий даражадаги ташрифлар асосида имзоланган ҳужжатлар ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон билан Жазоир ўртасидаги муносабатлар ҳамфиқрлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланади. Мамлакатларимиз БМТ, Ислам конференцияси ташкилоти доирасида кўп томонлама ҳамкорлик қилмоқда.

Мамлакатларимиз парламентлари, муайян вазирлик ва идоралари ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Жазоир аҳли Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасини юксак қадрлайди, Бухорий, Термизий каби буюк муҳаддислар ватани сифатида катта ҳурмат билан қарайди.

Ушбу мамлакат элчиси Ўзбекистон — Жазоир иқтисодий ҳамкорлиги катта салоҳиятга эга эканини, хусусан, тоғ-кон, металлургия ва энгел санаяти, нефть ва газни қайта ишлашда самарали ҳамкорлик қилиш мумкинлигини таъкидлади. Ўз миссияси давомида ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратишини қайд этди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар изчил ва муттасил ривожланиб бормоқда. Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, маданий, гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик ўрнатилган.

— Ўзбекистон билан муносабатлар Россия учун алоҳида аҳамият касб этади, — деди Владимир Тюрденев. — Ўзбекистондаги жараёнларни доим диққат билан кузатиб келганман. Хусусан, глобал инқироз шароитида ҳам Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш кузатилаётгани таҳсинга сазовордир.

Маълумки, шу йилнинг 27 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлови бўлиб ўтади. Ушбу сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича концепцияга биноан сайлов округларида сайлов участкалари тузилди.

Барча зарур мебель, компьютер, телефон, факс ва бошқа техника воситалари, сайлов жараёнига оид ҳуқуқий адабиётлар билан тўлиқ таъминланган сайлов участкалари овоз бериш кўнига тайёр ҳолатга келтирилди. Буни Тошкент шаҳри Мировод туманидаги 162-сайлов участкаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ушбу сайлов участкаси жойлашган бинода сайлов комиссияси аъзолари ва сайловчилар учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Сайловчилар рўйхати, сайлов тўғрисидаги қонунлардан кўчирмалар, депутатликка номзодлар ҳақида маълумотлар осиб қўйилган. Шунингдек, тиббиёт ходимлари, оналар ва болалар учун махсус хона ажратилган. Буларнинг барчаси сайлов юксак савияда ўтказилишини таъминлашга хизмат қилади.

— Яқинда Темирийўлчилар маданият саройида ўтказилган семинарда сайлов билан боғлиқ барча саволларга тўлиқ жавоб олдик, — дейди 126-Темирийўлчилар сайлов округи таркибига кирадиган 162-сайлов участкаси комиссияси раиси Ф.Ҳакимов. — Зеро, бизга, сайлов участкалари комиссиялари аъзоларига бўлажак сайловларни очкилик, ошкоралик, транспарентлик принциплари асосида ўтказиш, сайловчиларнинг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш, депутатликка номзодларнинг таржимаи холи, партияларнинг сайловдаги дастурлари билан танишиш имкониятига эга

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Сайлов — 2009

МАДИНАБОНУ БИРИНЧИ МАРТА ОВОЗ БЕРАДИ

бўлиши, эркин овоз бериши учун зарур шарт-шароит яратиш бўйича катта масъулият юклаган. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ амалга оширилаётган барча ишларни амалдаги қонун талаблари асосида белгиланган муддатларда бажаришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Ушбу сайлов участкаси томонидан 934 сайловчи рўйхатга олинди. Уларнинг 13 нафари биринчи марта овоз берадиган йигит-қизлардир.

— Шу йил 18 ёшга тўлди, — дейди уларнинг бири — Тошкент давлат шарҳунослик институти талабаси Мадина

бону Бойзадаева. — 27 декабрь куни бўладиган сайловда ўз Конституцион ҳуқуқимдан фойдаланган ҳолда биринчи марта овоз бераман. Бунда муносиб номзодни танлаш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мамлакатимиз тараққиёти, қонунчилигимиз такомиллашуви кўп жиҳатдан ана шу сайловда сайланадиган депутатларга ҳам боғлиқ. Бинобарин, юртимиз тақдирини, унинг келажагини, халқимизнинг турмуш фаровонлигига биз, ёшлар ҳам дахлдормиз, ушбу масалаларга бефарқ қараш мумкин эмас.

Х.САЛИМОВ,
 ЎЗА мухбири



МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

23 декабрда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 2-ва 5-моддаларига мувофиқ Қонунчилик палатасининг депутатлари сайлови — умумий, овоз бериш эса эркин ва яширин амалга оширилади. Шу муносабат билан йиғилишда бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилган ишлар, шу жумладан, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Ушбу Қонуннинг 6-моддасига кўра, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Ушбу мезъорга мувофиқ йиғилишда Ўзбекистон парламентининг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этадиган яна 20 нафар кузатувчини рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва қарор қабул қилинди. Буюк Британия, Германия, Индонезия, Бирлашган Араб Амириклари, Украина, АҚШ, Ислам Конференцияси Ташкилоти кузатувчилари шулар жумласидандир. Умумий ҳисобда сайловни кузатиб боришда бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан 270 дан зиёд кузатувчи иштирок этади.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Бундан ташқари, мамлакатимизга келиб, сайлов жараёнини ёритиш истагини билдирган чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари ақридан қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Улар орасида Миср, Ҳиндистон, Индонезия, Хитой, Малайзия, Россия, Саудия Арабистони, Франция, Япония ва бошқа мамлакатлардан журналистлар бор.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 47-моддасига мувофиқ Қонунчилик палатасининг 15 нафар депутати Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг олий органи — Конференциясида сайланади. Йиғилишда Марказий сайлов комиссиясининг ушбу Конференцияда иштирок этиш учун ўз вакилларини тайинлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Сайлов жараёни мониторинги доирасида йиғилиш иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича округ ва участка сайлов комиссияларининг фаолияти натижаларини ҳам муҳокама қилди. 9-Андижон, 22-Қогон ва 65-Сайхунбод округ сайлов комиссиялари раисларининг бўлажак сайловга тайёргарлик ишлари ҳақидаги ҳисоботлари тингланди.

Марказий сайлов комиссиясининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Пойтахтда учинчи чақириқ Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси бўлиб ўтди. Депутатлар томонидан 2009 йилда Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг кутилаётган аяқлари муҳокама қилинди, шунингдек 2010 йилда ислохотларни янада чуқурлаштиришга доир вазифалар ҳамда маҳаллий бюджетнинг асосий параметрлари кўриб чиқилди. Сессияни Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев олиб борди.

Таъкидлаб ўтилганидек, жорий йилда кўплаб давлатлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни қуршовдан халос бўлиш йўллари излаётган бир пайтда, Ўзбекистонда мамлакат раҳбарияти томонидан ўз вақ-

тида қўрилган тегишли чора-тадбирлар натижаси ўлароқ макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик таъминланишига эришилди, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг барча жабҳаларида ислохотлар давом эттири-

либ, башорат кўрсаткичлари ортиги билан бажарилди.

Жумладан, ҳисобот даврида Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши таҳлили шуни кўрсатадики, йил якуни бўйи-

ча ялли ҳудудий маҳсулот ҳажми 9 фоизга ўсиши кутилмоқда. Бунда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши 110,1 фоиз, пудрат ишлари — 114,5 фоиз, чакана савдо айланмаси — 117,3 фоиз, умумий хизматлар ҳажми — 115 фоиз миқдорда таъминланиши кўзда тутилган. Ташқи савдо айланмаси эса ўтган йилга нисбатан 8,6 фоизга ортиб, маҳсулот ва хизматлар экспорти ҳажми 106,5 фоизга кўпайиши башорат қилинмоқда.

Сессияда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида қабул қилинган тармоқлараро чора-тадбирларнинг изчил таъбиқ этилаётгани бундай юқори кўрсаткичлар таъминланишига асос бўлаётгани алоҳида қайд этиб ўтилди. Чунинчи, шу мақсадларда шаҳар ва ҳар бир туман кесимида ташкил этилган мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлари жойларда, БевоСИТА хўжалик субъектлари фаолиятида юзага келаятган муаммо ва тўсиқларнинг тежор ва самарали ечим топишига хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди жорий йил давомида олтига грант танловини эълон қилган эди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ушбу грант танловлари ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.
- Адлия вазирлигида «Адлия идоралари: ОАВ нигоҳида» республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими уюштирилди. Унда Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жағфармаси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.
- Жиззах вилоят ахборот-кутубхона марказида умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган дарслик ва қўлланмаларнинг итисослашган кўргазма-ярмаркаси ўтказилмоқда. Унда мутахассис-педагогларнинг янги дарсликлар яратиш борасидаги фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, қўлланмаларга буюртмалар ҳам қабул қилинмоқда.
- Навоий эркин индустриал иқтисодий зонасида «Korean Air» авиакомпаниясининг турар жой мажмуаси қурилиши бошланишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда корейлик ишбилармонлар, жамоатчилик вакиллари ва қурувчилар иштирок этди.
- Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши ташаббуси билан «Баркамол авлод йили бўсақасида» мавзусидаги тадбир ташкил этилди. Тадбир давомида Марказий Кенгаш ҳамда вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг кам таъминланган, иқтидорли талаба ва ўқувчиларга таъсис этилган махсус стипендияси гувоҳномалари топширилди.
- Кеча республикамизга ташриф буюрган футбол бўйича Португалия терма жамоаси ва Мадриднинг «Реал» клуби ярим ичimosиячи, улкан футбол юлдузи Криштиану Роналду Тошкентдаги «Жар» стадионида ёш футболчилар учун мастер-класс ўтказди.

ЖАҲОНДА

- Греция парламенти 2010 йилга инқироздан келиб чиқилган бюджетни қабул қилди.
- Украина президенти В.Ющенко мамлакат бош вазири Ю.Тимошенконинг тезликда истеъфога чиқарилиши ва парламентни тарқатиб юбориш лозимлигини таъкидлади.
- Жаҳон банки Озарбойжонга 450 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит ажратилишини билдирди. Мазкур маблағнинг ҳудуддаги темир йўл инфратузилмасини яхшилашга сарфланиши кўзда тутилган.
- Кеча Япониянинг Осака шаҳридаги кимё заводида портлаш рўй бериб, заҳарли моддаларнинг ташқарига чиқиши кузатилди. Портлаш натижасида жабрланганлар бор.
- АҚШ маъмурияти собиқ иттифоқ республикаларига оммавий қирғин қуролининг йўқотиш учун 424 миллион доллар миқдоридagi маблағни ажратди.
- Кеча Россиянинг Свердловск вилоятидаги «Евстокинская» шахтасида портлаш рўй бериши оқибатида тўққиз киши ҳаётдан кўз юмган.
- Хитойда батареялар билан қучлан-тирилган янги русумдаги электробитка номли тезюрак велосипед ҳайдовчиларининг ҳайдовчилик гувоҳномаси олишлари тўғрисидаги янги қонун кучга кирди. Бунга кейинги пайтларда шундай велосипед ҳайдовчилари ўртасида кўплаб йўл-транспорт ҳодисалари рўй бераётганига сабаб бўлди. Айтиш кераки, ҳозирда Хитойда жаҳонда энг кўп миқдорда — йилга 73 миллионга велосипед ишлаб чиқарилади.
- Кеча Шимоллий Американинг Виржиния штати Уитвил шаҳридаги почта бўлимида номаълум шахс беш кишини гаровга олди.
- Стенфорд университети олимлари қоғоз ва махсус сиёҳдан батарея яратдилар. Таркибида углеродли нанотруба ва кумуш наностих бўлган ушбу сиёҳ қоғозга сурилса қоғоз ўз-ўзидан батарея ёки конденсаторга айланади. Мутахассисларнинг сўзларига кўра намликка чидамли қоғоз батареяларни мобил телефонлари учун ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Шу йилнинг 27 декабрь куни бўлиб ўтдиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловни кузатиш жараёнида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан юзлаб вакиллар иштирок этади. ЎЗА мухбирлари мамлакатимизга ташриф буюрган халқаро кузатувчиларнинг илк таассуротлари, сайлов жараёнлари тўғрисидаги фикрлари билан қизиқди.

Чой ЁН ХА, Корея Республикаси Сонмун университети профессори: — Ўзбекистонда сайловга оид қонун ва ҳужжатлар ҳамда уларга киритилган ўзгаришлар билан ба- тафсил танишиб чикдим. Улар халқ- ро меъёрларга тўлиқ мос келади, сайловчиларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва ҳақон ҳамжамияти то- монидан эътироф этилган демократи- камойилларни ифода этади. Чу- нончи, парламент сайловида кўп- лаб халқаро кузатувчиларнинг ишти- рок этаётгани ҳам Ўзбекистонда де- мократияни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган улкан ишларнинг амалдаги самараси- дир.

Мен Ўзбекистонда бир неча йил элчи лавозимда фаолият юритиш шара- фига муяссар бўлганман. Ўзбеки- стон истиқлол йилларида барча со- халарда улкан ютуқларни қўлга ки- ритди. Хар келганимда юртингиз иқтисодиётининг жадал тараққий эта- ётгани, шаҳар-қишлоқлар қиёфаси- нинг тобора гузаллашаётгани, хал- қингиз турмуш даражаси муттасил юксалиб бораётганини кўриб, чин дилдан қувонаман.

Парвиз МОРВИЖ, Нью-Йорк давлат университети фалсафа ва ижтимоий фанлар профессори, «Глобал илмий наشريётлар» мар- кази директори:

ришга қаратилаётган улкан эътибор- нинг, соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг юк- сак самараларидандир. Ўзбекистон- да ёш авлод таълим-тарбиясига кат- та эътибор қаратилаётгани — жуда улуг иш. Зеро, хар бир мамлакат келажаги ёшлар қўлидадир.

Экология бугун дунёдаги долзарб муаммолардан. Ўзбекистонда атроф- мухитни муҳофаза қилиш, жумла- дан, Орол денгизи ва ер қатламла- рининг қуриши каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Шу мақсадда ташкил этилган Эко- логик ҳаракатга Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги 15 депу- татлик ўрининг берилиши мамла- катингизда экологик вазиятни бар- қарорлаштириш борасида амалга оширилаётган улкан ислохотларга ёрқин мисол бўла олади.

Нерри ЮШВАЕВ-КАВАЛЬЕР, АКШ ва Канададаги бухоро ахборот воситалари бўшқару- ви аъзоси:

— Ўзбекистонда бир неча бор сай- лов жараёнларида кузатувчи сифа- тда иштирок этганман. Хар сафар сайловларни ташкил этиш савияси тобора юксалаётганининг гувоҳи бўламан. Юртингиз- да сайловнинг де- мократия тамойил- лари асосида, халқ- аро меъёрларга тўлиқ мос ҳолда очик ва ошқора ўтиши қонуний ка- фолатланган.

Ўзбекистон Рес- публикаси сайлови- га оид барча қонун ва ҳужжатлар, уларга киритилган ўзгаришлар билан танишиб чиқ- тим. Шунинг билан айта ола- манки, мамлакатингизда фуқаро- лар сайлов ҳуқуқининг амалда ижроси- ни таъминлаш мақсадида халқаро андозаларга тўла жавоб бера ола- диган сайлов тизими яратилган ҳамда бу тизим жуда тўри ва аниқ ишлаб чиқилган. Биз ҳам бу бора- да Ўзбекистондан ўрнам олсак ар- зигулик жиҳатдан кўпчилигини таъкид- ламоқчиман.

Ўзбекистонда сайловолди жара- ёнлари, депутатликка номзодлар- нинг дастури, округ ва участка сай- лов комиссияларининг фаолияти би- лан яқиндан танишмоқдаман. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сони 120 та- дан 150 тага кўпайтирилгани қонун ижодкорлиги савиясини, партиялар ва фуқаролик жамяти институтла- рининг мамлакатни демократик ян- гилашдаги ижтимоий-сиёсий фаол- лигини янада оширишга хизмат қилади.

ЎЗА мухбирлари Мадина УМАРОВА, Ирода УМАРОВА ёзиб олди.

Бугунги кунда аҳоли саломатлигини сақлаш, хавфсизлигини таъминлаш, содир этилиши мумкин бўлган турли бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган бир қатор чора- тадбирлар мунтазам равишда олиб борилмоқда.

Анжуманлар

МАҚСАД — АҲОЛИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Хусусан, Республика Вазирлар Маҳкамасининг фармойи- шига асосан жорий йилнинг 10 декабидан 2010 йилнинг 10 январигача мамлакатимизда ҳаракат хавфсизлиги ойл- гининг ўтказилиши ҳам айнан юқорида айтиб ўтилган хай- ри мақсадга қаратилган. Яқинда Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, шаҳар «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ ҳамда оммавий ахборот воситалари ҳамкор- лигида юқоридаги фармойиш ижроси ва мақсад- моҳияти- ни кўпчилига етказишга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бўлини- маси бошлиғи, майор Зойир Сайдалиев йўл-транспорт ҳо- дисаларининг олдини олиш, йўл-ҳаракати хавфсизлигини таъ- минлаш самарадорлигини ошириш, болалар ўртасида про- филактик тадбирларни ўтказиш, ҳайдовчилар ва йўловчи- лар ўртасида олиб борилаётган тушунтириш ишлари улар хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилаётгани ҳақида тўх- тилиб ўтди.

Шу ўринда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ша- хримизда содир этилган йўл- транспорт ҳодисаларини тах- лил этадиган бўлсак, олиб борилаётган тадбирлар натижа- сида 2008 йилга нисбатан йўл- транспорт ҳодисалари бир- мунча камайганлигини кўриш мумкин. Лекин шунга қарамай 2009 йилда 2328 та йўл- транспорт ҳодисаси содир эти- либ, бунда 228 нафар кишининг ҳалок бўлгани ва 2992 на- фар кишининг тан жароҳати олганлиги ачинарли, албатта. Шахсий транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан со- дир этилган йўл- транспорт ҳодисалари сони эса афсуски бирмунчага кўпайган. Бундан ташқари фойдаланишда бўлган жами автотранспортларни техник кўриқдан ўтказиш тадбир- ларида 162075 та транспорт воситасидан 21380 тасининг техник носозлиги, 6 тасининг ноқонуний равишда тегишли рухсатсиз жиҳозланганлиги, 23 та ҳайдовчида лицензияси, 68 тасида йўналиш варақаси йўқлиги аниқланган.

Демак йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, со- дир этиладиган турли нохуш ҳолатларни камайтириш йўлида мунтазам тадбирлар ўтказилишига қарамай ҳали олдинда ўзаро ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар турибди. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги, фармойишига асосан комплекс чора- тадбирлар ўтказилди.

Бўлиб ўтган тадбирда ойлик давомда давлат ташкилот- лари, корхоналар, меҳнат жамоалари, маҳалла ва мактаб- ларда турли тадбирларни ўтказиш, транспорт воситалари- нинг техник ҳолатини ҳамда йўлларнинг аҳолини яхшилаш бўйича қилинадиган ишлар режаси қўрилиб, пиёдалар, ай- никса келажагимиз эгалари бўлган болаларнинг ҳаётини, хавфсизлигини асрашга барча масъул эканлигига эътибор қаратилди.

Шоира МУХАМЕДОВА

Сўз — халқаро кузатувчиларга ЎЗБЕКИСТОН САЙЛОВ РУҲИ БИЛАН ЯШАЁТИР

Шуни алоҳида таъкидлашни истар- димки, мамлакатин- гиз аҳолиси сайлов руҳи билан яшаётгани- нинг гувоҳи бўлдим. Оммавий ахборот воситалари- да чоп этилаётган мақолалар, на- мойиш этилаётган аксарият кўрсат- ув ва эшиштирилган сайловга ба- гишланган, кўчалар ва биноларда депутатлик номзодларнинг плакат- лари ҳамда сайловчиларни овоз бе- ришга чорловчи шорлар осилган. Миллий телеканалларингиз орқали номзодларнинг чиқишларини, улар- нинг сайловди ташвиқотлари ва баҳс- мунозараларини кўрдим. Булар сайловчиларнинг овоз бериш жара- ёнида муносиб номзодни танлашга бўлган имкониятларини янада кен- гайтиради.

— Ўзбекистон Республикаси Парла- менти сайловида кузатувчи сифа- тда иштирок этиш унун мамлака- тингизга ташриф буюрганидан хот- мамнунман. Юртингизда фуқаролик жамятини барпо этиш, жамятни демократлаштириш, мамлакатни мо- дернизациялаш ва ислохотларни чу- қурлаштириш борасида олиб бори- лаётган кенг қўламли ислохотлар бераётган самаралар таҳсинга лойиқ. Ўзбекистонда истиқлол йилларида демократия, диний бағрикенглик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик- ни қарор топтириш, тинчлик, дўстлик ва миллатлараро тотувлиқни мустаҳ- камлаш борасида бемисл ишлар амалга оширилганини таъкидламоқ- чиман. Бу сиёсий партияларнинг сай- ловолди курашида ҳам ўз ифо- дасини топмоқда.

Мен 2007 йили мамлакатингизда ўтказилган Президент сайловида ҳам кузатувчи сифатида иштирок этган- дим. Ўзбекистон Республикаси Пре- зиденти сайлови очик, ошқора ва муқобиллик асосида ўтганини ало- ҳида таъкидламоқчиман. Ушунда сай- ловчиларнинг фаоллиги ва сайлов- нинг барча демократик тамойилла- рга амал қилинган ҳолда ўтгани мени лол қолдирганди. Кўп-лаб мамлакат- лар сайловларни ўтказиш борасида Ўзбекистондан ўрганса арзийди.

Мен дунёнинг кўп-лаб нуфузли олий таълим даргоҳларида, жумла- дан, мамлакатингиздаги Жаҳон иқти- содиёти ва дипломатияси универси- тетида ҳам таълим берганман. Шунга амин бўлдимки, Ўзбекистон ёшлар- нинг интеллектуал салоҳияти бошқа мамлакатлар йигит-қизлари- никига нисбатан анча юқори. Бу эса юртингизда таълимни ривожланти-


ришга қаратилаётган улкан эътибор- нинг, соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг юк- сак самараларидандир. Ўзбекистон- да ёш авлод таълим-тарбиясига кат- та эътибор қаратилаётгани — жуда улуг иш. Зеро, хар бир мамлакат келажаги ёшлар қўлидадир.

ТАЪМИНОТДА УЗИЛИШЛАР БЎЛМАЙДИ

Кишининг қировли кунларида аҳоли хонадонлари, ижтимоий ҳақамиятга молик объектлар ва бошқа турдаги истеъмолчиларга узлуксиз табиий газ етказиб бериш ниҳоятда муҳимдир. Бу жойлардаги газ таъминоти идоралардан мавсумга қизгин тайёргарликни талаб этади.

— Шулардан келиб чиқиб, бундай масъулиятли ишга кузнинг дастлабки кунлариданоқ киришгандик, — дейди биз билан суҳбатда Мирзо Улугбек туман газ таъминоти идораси раҳбари Рустам Раимов. — Натижада қиш даври бошлангунча қадар, худудларимиздаги ўн километрдан зиёд газ тақсимлаш анжомлари, қувурлар таъмирланиб, бўёқ- дан чиқарилди. Шунингдек, деярли бар- ча газ дудбуронлари таъмирланди. Ўз навбатида аҳоли хонадонларидаги газ анжомлари ҳам тўлиқ назоратдан ўтка- зилди.

Мана шу ишларнинг самараси ўлароқ бугунги кунда аҳоли хонадонлари ва бошқа тегишли истеъмолчи ташкилот- ларга табиий газ етказиб беришининг узлуксизлиги таъминланди. Бундан ташқари, худудимиздаги Гео- логия кўчасида 500л/метрли ўрта бо- симли газ қувури тортилди. Олмачи кўчасида эса 300л/метрли газ қувури тортилиб, ўрта босим халқаланди. Гул- санам кўчасидаги РД-32 — РДБ 1/25 рўсумли газ тақсимлагичлар алмашти- рилди. Айна чоғда жорий йилнинг яқунлана- ётганлиги муносабати билан аҳоли ва ташкилотларнинг идорамиз олдидаги қарздорлигини бартараф этишга жи- дий киришганимиз. Ҳозирги кунга қадар истеъмолчиларнинг табиий газ таъми- ноти бўйича қарздорлигининг асосий



қисмини бартараф этишга эришдик. Уйлаймики, истеъмолчилар ҳам ўз мажбуриятларини тўлиғича адо этиш- са, нафақат мавжуд қарздорликлар бар- тараф этилади, балки уларга хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланади. (ЎЗ мухбиримиз) СУРАТДА: Мирзо Улугбек туман газ таъминоти идораси ходимлари иш устида

Бекатда турганлар дар- ҳол пақилдоқ овози чиқ- қан тарафга қарашди. Не ажабки, 5-10 метр нарида 7-8 ёшли иккита болакай пиротехника воситаларини ҳаракатга келтириб дуч келган томонга иргитишар, одамларнинг чўчиб ён-та- рафга олазарақ боқиши- дан завққа тўлиб қулишар- ди. Албатта, бекатда тур- ганлар болакайлarga тан- бех беришди, ҳатто бир киши уларнинг ёнидаги пақилдоқларни олиб ҳам қўйди. Ҳўш, шу билан му- аммо ҳал бўлдимки? Бола- жонлар яна пиротехника воситаларини ўйнамайдилар, деб умид қилсак бўлади- ми? Аслида масалага чу- қур ёндашадиган бўлсак, айб болаларда эмас, биз катталарда.

Пиротехника воситалари- ни ноқонуний тарзда со- тишга уринаётганларга қарши хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакил- лари қатъий тарзда кура- шиб келишяпти. Бирок, иложини топиб «қишда ҳам қорни ёндирмоқчи» бўлаётган айрим бадаҳо- кимсалар пақилдоқларни

ПИРОТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ — ХАТАРНИНГ КОНИ уларга қатъий чек қўяйлик

Ўтган йили Янги йил арафасида рўй берган бир нохуш воқеа ҳеч ёдимдан кўтарилмайди. Кечкурун ишдан автобусда уйга қайтаётган эдим. Бекатда тушганимни биламан, қулоқларим «қарс, баданг, гум!!!» деган гумбурлаган овоздан битиб қолай деди. Очиғи, қўриқиб кетдим. Бекатда транспорт воситаси кутиб турган аёллардан бири хушидан кетиб қолди.

йўлаши керак, агар шу пи- ротехника воситаси ҳара- катга келиб фарзандининг кўзи, қўллари, оёқлари майиб бўлиб қолса? Ёки ушбу пақилдоқ сабаб бола бир умрга ногирон сифатида тузалмас дар- ни орттириб олса? Бун- га ким қуяди. Албатта, ота-онанинг ўзи пушай- мон бўлади. Бирок, «Сўнгги пушаймон, ўзинг- га душман» деган нақлни ёддан чиқармаслик ло- зим. Ундан қундан Янги йил- да болаларимизга турли хил ширинликлар, ажойиб китоблар совға қилайлик. Шунда пиротехника воси- таси туфайли туғиладиган хавфнинг олди олинади, болажонларимиз китоб ўқиб, уларнинг маънавий онги юксалади. Сиз бун- га нима дейсиз, азиз ота- оналар!

Ақром ЁҚУБОВ

Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Экспортга йўналтирилган корхоналар қарзи маса- ласини корхоналарни таркибий жиҳатдан ўзгариштириш ва уларни молиявий ва кредит йўли билан қўллаб- қувватлашга доир қабул қилинган давлат ва ҳуқумат қарорлари асосида бир қатор ҳўжалик субъектлари- нинг муаммолари ўрганилиб, ҳал этилишига эришил- ди. Хусусан, фаолиятида самарадорликка эришиши- га кўмаклашиш мақсадида «Совпластитал», «Узпахта- маш», «Лукас текстиль» корхоналарининг бюджет ва буюмлардан ташқари жамғармалар, коммунал хизмат- лар бўйича мавжуд қарзлари кечиктирилиб, бу бора- да ҳисобланган устамалардан ҳам воз кечилди. «Аг- регат заводи», «Тошкент тола ипағи», «Муруват текс» каби экспорт қилувчи ўнлаб корхоналарга кредитни қайтариш муддатларини узайтириш, устама ва жари- малардан озод қилиш борасида ҳам имтиёзлар бе- рилди. Шунингдек, конвенцияга, имтиёзли кредит ажратиш, хом ашё маҳсулотларига лимит ҳажмлари- ни ошириш, тўловлар бўйича енгилликлар яратиш юзасидан 60 дан зиёд корхонанинг масалалари ижо- бий ҳал этилди.

Ҳисобот йилида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳоз- лаш ишлари ҳам изчил давом эттирилди. Ушбу мақ- садларга турли манбалар ҳисобидан деярли 2 трил- лион сўм сармоя йўналтирилди. Шунинг билан айтиб ўтиш керакки, ўзлаштирилган инвестицияларнинг асосий қисми бевосита корхоналар маблағлари, банклар кре- дитлари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ҳисобига тўри келмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхо- наларнинг фаоллашуви ҳисобига ташқи иқтисодий фа- олиятда импорт ҳажмининг сезиларли камайишига эри- шилди. Утаётган йил давомида республикамизга чет- дан келтирилаётган мураккаб машиий техника, офсет пластиналари, томчилаб сўғориш қувурлари, рухлан- ган пўлат, автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар, дори- дармон воситаларининг ўнлаб турларининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ўзлаштирилишига эри- шилди. Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилишининг йўлга қўйилиши натижасида деярли 430 миллион доллар иқтисод қилинди.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи худудий махсу- лот ишлаб чиқаришида ҳиссаси анча ошгани кузатил- ди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қўра, ушбу кўрсаткич 67 фоизга тенг келади.

Ҳисобот даврида ижтимоий дастурлар ва вазифа- ларнинг тўлиқ бажарилишига эришиш кутилмоқда. Ху- сусан, «Бандлик» дастури доирасида 75 миңдан зиёд иш жойлари яратилди. Шундан йирик объектларни ишга тушириш ва янги қувватларни жорий этиш ҳисо- бига 5,6 миң, корхоналарнинг жисмоний шахслар билан келишувига биноан — 9 миң, Инқирозга қарши чоралар дастури бўйича — 7,5 миң янги иш жойи ташкил этилди. Аҳолининг даромадлари 25 фоизга кўпайди.

Пойтахтда бир қатор йирик бино ва иншоотлар барпо этилиб, марказий кўчалар, турар жойлар худудлари ободонлаштирилди, бир қатор янги дам олиш мас- канлари фойдаланишга топширилди.

Сессияда йил бошида белгиланган ижтимоий соҳа бўйича вазифалар тўлиқ таъминланишининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар вақтида йўналти- рилгани ҳисобига эришилгани алоҳида қайд этилди. Ушбу йўналишда депутатлар эътиборига Тошкент шаҳ- рининг 2009 йилги бюджет ижроси хусусида ахборот ҳавола этилди.

Чунончи, бюджет маблағларининг деярли 65 фо- зи ижтимоий соҳани ривожлантиришга сарфланган. Бюджет даромадларининг белгиланган кўрсаткичла- ри орттириб бажарилиши ҳисобига қўшимча равишда фақат халқ таълими тизимига 5,1 миллиард сўм қўши- ма маблағ йўналтирилди. Пенсия ва нафақалар, сти- пендиялар, бюджет ташкилотлари бўйича ойлик мао- ши вақтида таъминлаб борилди.

Шаҳар Молия бош бошқармаси бошлиғи Мирсаид Мирмаҳмудов депутатларни 2010 йил бюджет ижроси ҳисобига таъминлаш бўйича қўшимча равишда фақат халқ таълими тизимига 5,1 миллиард сўм қўши- ма маблағ йўналтирилди. Пенсия ва нафақалар, сти- пендиялар, бюджет ташкилотлари бўйича ойлик мао- ши вақтида таъминлаб борилди.

Ишлаб чиқаришга ихтисослашмаган кичик тадбир- корлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ҳам бир фоизга қисқартрилмоқда. Ҳомийлик қўрсатувчи кор- хоналарнинг солиқ юки ҳам камаяди.

Жисмоний шахсларнинг даромадлари бўйича солиқ ставкаси бир фоизга туширилди. Бундан ташқари, олий ўқув юртиларида тахсил олаётган фарзандлари- нинг шартнома тўловлари учун йўналтириладиган жис- моний шахсларнинг маблағларида ижтимоий чеғир- малар жорий этилиши, шахсий жамағиб борилади- ган пенсия тизимида ҳам манфаатли ўзгаришлар ре- жалаштирилган.

2010 йил бюджетининг ҳаражат қисмида хар бир йўналиш бўйича жорий йилга нисбатан ўрта ҳисобда 30 фоиз ўсиши, жумладан, ижтимоий соҳага деярли 75 фоиз бюджет маблағлари ажратилиши қўзда ту- тилмоқда.

Мазкур бюджет лойиҳасини тасдиқлаш жараёнида лойиҳанинг депутатлар томонидан Тошкент шаҳар Кен- гашининг олти доимий комиссияси йиғилишларида кенг муҳокама қилингани эътиборга олинади.

Сессияда Олий Мажлис Сенатининг «Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжаллан- ган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулиги тўғри- сида»ги қарори доирасидаги вазифалар ижроси юза- сидан Миробод туманида амалга оширилган ишлар, шунингдек, шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг жорий йилдаги фаолияти бўйича ах- боротлар тингланди.

Бир неча кундан сўнг мамлакатимизда Олий Мах- лис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари ви- лоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайловлар ўтка- зилди. Сайлов қонунчилигига мувофиқ парламент қўйи палатаси ва маҳаллий Кенгашиларнинг амалдаги фаолиятига яқун эсسالмоқда. Тошкент шаҳар Кенгаши учинчи қаҳир халқ депутатлари иштирокида бўлиб ўтган сессия уларнинг фаолиятига ҳам яқун ясади. Шунинг билан айтиш керакки, Тошкент шаҳар Кенгаши раиси беш йил давомида пойтахтнинг ижтимоий-иқти- содий ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган депу- татлик корпуси вакилларига самимий миннатдорчи- лик билдириб, келгусида ҳам жамоат ишларида фаол қатнашишларига тилак билдирди.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

(Давоми. Боши 3-бетда).

11.25 Серил «Ҳаёт жилгалари»... 13.10 Серил «Денгиздан томчи»... 13.40 «Корбобо мўжизалари»...

7.00 «Салом, ёшлар!»... 8.00 «Гринч Янги йил ўғриси»... 9.35 «Калпок». Ҳажвия.

7.30, 13.00 «Салом, Тошкент!»... 8.35 Мумтоз наволар... 8.40 «Кор маликаси»...

7.00 «Бодур утрос»... 8.00, 9.30 «Хабарлар»... 8.25 «Мадагаскардаги Янги йил саргузаштлари»...

7.00 «Бодур утрос»... 8.00, 11.00, 18.40 «Новоости»... 8.15 Комедия «Карнавальная ночь-2»...

10.00, 13.00, 16.00 «Сегодня»... 10.20 «Средний класс»... 11.10 Х/ф «Муж на час»...

8.00 «Герои». Серил... 8.55, 9.00 «Смешарики». М/с... 9.30, 11.30, 20.30, 21.00 Серил «Палины дочки»...

8.00 «Чудеса.com». Т/с... 9.00 М/ф «Черепашки ниндзя»... 9.30, 10.00 «Рейс-2010»...

6.00 «Юрт тинчлиги»... 7.30, 13.00 «Салом, Тошкент!»... 8.35 Мумтоз наволар... 8.40 «Кор маликаси»...

7.00 «Бодур утрос»... 8.00, 9.30 «Хабарлар»... 8.25 «Мадагаскардаги Янги йил саргузаштлари»...

7.00 «Бодур утрос»... 8.00 «Аёз бобо». Фильм-эртак... 9.20 «Бугун»... 9.50, 18.50 «Юртимда Янги йил!»...

6.00 «Сегодня утром»... 8.55 Следствие вели...

жалкаш кўшиллар»... 00.00 Х/ф «Омидли жентльменлар»... 1.30 «Юрт тинчлиги»...

8.00 «Космические охотники на дождь»... 9.00, 10.00 «Иллома»... 9.50, 15.20, 17.50, 20.45, 21.55 «Янги йил тилаклари»...

8.00 «Чудеса.com». Т/с... 9.00 М/ф «Черепашки ниндзя»... 9.30, 10.00 «Рейс-2010»...

6.15 Х/ф «За двумя зайцами»... 8.00, 11.00, 17.00 «Новости»... 8.05 Комедия «Ирония судьбы, или С легким паром!»...

7.00 «Бодур утрос»... 8.00, 9.30 «Хабарлар»... 8.25 «Мадагаскардаги Янги йил саргузаштлари»...

7.00 «Бодур утрос»... 8.00 «Аёз бобо». Фильм-эртак... 9.20 «Бугун»... 9.50, 18.50 «Юртимда Янги йил!»...

6.00 «Сегодня утром»... 8.55 Следствие вели...

14.30 Х/ф «Операция «Ы» и другие приключения Шурика»... 16.10 «Песня года»... 19.00 «Юмор года»...

8.00 «Космические охотники на дождь»... 9.00, 10.00 «Иллома»... 9.50, 15.20, 17.50, 20.45, 21.55 «Янги йил тилаклари»...

8.00 «Чудеса.com». Т/с... 9.00 М/ф «Черепашки ниндзя»... 9.30, 10.00 «Рейс-2010»...

6.15 Х/ф «За двумя зайцами»... 8.00, 11.00, 17.00 «Новости»... 8.05 Комедия «Ирония судьбы, или С легким паром!»...

7.00 «Бодур утрос»... 8.00, 9.30 «Хабарлар»... 8.25 «Мадагаскардаги Янги йил саргузаштлари»...

7.00 «Бодур утрос»... 8.00 «Аёз бобо». Фильм-эртак... 9.20 «Бугун»... 9.50, 18.50 «Юртимда Янги йил!»...

6.00 «Сегодня утром»... 8.55 Следствие вели...

9.55 «Юртим бўйлаб» дастури: «Кўриқонанинг тўрт фасли»... 10.20 «Чинсен». «Байтерек»... 11.00 «Сналар мактаби»...

8.00 «Космические охотники на дождь»... 9.00, 10.00 «Иллома»... 9.50, 15.20, 17.50, 20.45, 21.55 «Янги йил тилаклари»...

8.00 «Чудеса.com». Т/с... 9.00 М/ф «Черепашки ниндзя»... 9.30, 10.00 «Рейс-2010»...

6.15 Х/ф «За двумя зайцами»... 8.00, 11.00, 17.00 «Новости»... 8.05 Комедия «Ирония судьбы, или С легким паром!»...

7.00 «Бодур утрос»... 8.00, 9.30 «Хабарлар»... 8.25 «Мадагаскардаги Янги йил саргузаштлари»...

7.00 «Бодур утрос»... 8.00 «Аёз бобо». Фильм-эртак... 9.20 «Бугун»... 9.50, 18.50 «Юртимда Янги йил!»...

6.00 «Сегодня утром»... 8.55 Следствие вели...

14.00 «Ораулар ушалган йил»... 14.15, 21.55 Футбол... 18.00 «Соғлом оила»... 18.55 Лыжные гонки...

8.00 «Космические охотники на дождь»... 9.00, 10.00 «Иллома»... 9.50, 15.20, 17.50, 20.45, 21.55 «Янги йил тилаклари»...

8.00 «Чудеса.com». Т/с... 9.00 М/ф «Черепашки ниндзя»... 9.30, 10.00 «Рейс-2010»...

6.15 Х/ф «За двумя зайцами»... 8.00, 11.00, 17.00 «Новости»... 8.05 Комедия «Ирония судьбы, или С легким паром!»...

7.00 «Бодур утрос»... 8.00, 9.30 «Хабарлар»... 8.25 «Мадагаскардаги Янги йил саргузаштлари»...

7.00 «Бодур утрос»... 8.00 «Аёз бобо». Фильм-эртак... 9.20 «Бугун»... 9.50, 18.50 «Юртимда Янги йил!»...

6.00 «Сегодня утром»... 8.55 Следствие вели...

14.00 «Ораулар ушалган йил»... 14.15, 21.55 Футбол... 18.00 «Соғлом оила»... 18.55 Лыжные гонки...

8.00 «Космические охотники на дождь»... 9.00, 10.00 «Иллома»... 9.50, 15.20, 17.50, 20.45, 21.55 «Янги йил тилаклари»...

8.00 «Чудеса.com». Т/с... 9.00 М/ф «Черепашки ниндзя»... 9.30, 10.00 «Рейс-2010»...

6.15 Х/ф «За двумя зайцами»... 8.00, 11.00, 17.00 «Новости»... 8.05 Комедия «Ирония судьбы, или С легким паром!»...

7.00 «Бодур утрос»... 8.00, 9.30 «Хабарлар»... 8.25 «Мадагаскардаги Янги йил саргузаштлари»...

7.00 «Бодур утрос»... 8.00 «Аёз бобо». Фильм-эртак... 9.20 «Бугун»... 9.50, 18.50 «Юртимда Янги йил!»...

6.00 «Сегодня утром»... 8.55 Следствие вели...

14.20, 22.55 Футбол... 18.00 «Серебряные туфельки»... 18.30 «Версия»... 19.05 Лыжное двоеборье...

8.00 «Космические охотники на дождь»... 9.00, 10.00 «Иллома»... 9.50, 15.20, 17.50, 20.45, 21.55 «Янги йил тилаклари»...


8.00 «Чудеса.com». Т/с... 9.00 М/ф «Черепашки ниндзя»... 9.30, 10.00 «Рейс-2010»...

6.15 Х/ф «За двумя зайцами»... 8.00, 11.00, 17.00 «Новости»... 8.05 Комедия «Ирония судьбы, или С легким паром!»...

7.00 «Бодур утрос»... 8.00, 9.30 «Хабарлар»... 8.25 «Мадагаскардаги Янги йил саргузаштлари»...

7.00 «Бодур утрос»... 8.00 «Аёз бобо». Фильм-эртак... 9.20 «Бугун»... 9.50, 18.50 «Юртимда Янги йил!»...

6.00 «Сегодня утром»... 8.55 Следствие вели...



6.15 Х/ф «За двумя зайцами»... 8.00, 11.00, 17.00 «Новости»... 8.05 Комедия «Ирония судьбы, или С легким паром!»...

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

АВТОХАВАСКОРЛАР ДИҚҚАТИГА! «Ўзавтотехизмат» ОАБсининг «Роҳат» автосалони «GM Uzbekiston» ЁАЖДа ишлаб чиқарилган «NEXIA DONC», «LACETTI CDX A/T» ва «CAPTIVA» автомобилларини республикамиз аҳолисига нақд пулга сотишни давом эттирмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ 2009 йил 26 ДЕКАБРДАН 2010 йил 10 ЯНВАРГАЧА ЦИРҚДА ЯНГИ ЙИЛ ЭРТАГИ «ЖОДУ ҚИЛИНГАН САЙЁРА СИРИ»

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазириги «Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси Тошкент Давлат цирки 2009 йил 4 НОЯБРДАН БОШЛАБ БОЛАЖОНЛАР, СИЗЛАР УЧУН! «ҚУВНОҚ МОЗАИКА»

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, chorshanба, пайshanба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхата олинган. Ҳажин — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2812 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашрни etkazib бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамтига — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.